SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 5-APREL ■ SHANBA ■ 44 (27.064) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Иқтисодий самара — энг муҳим мезон

Бу йил фарғоналик пахтакорлар 115 минг гектар ерга чигит қадайди. Умумий пахта майдонларининг эллик беш минг гектарида ғўза андижонча усулда парвариш қилинади. Бу муҳим тадбир шу кунларда ниҳоясига етай деб қолди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг амалга оширилиши, хусусан, кўкламги дала ишларининг аҳволи, плёнка остига ва очиқ майдонларга чигит қадаш ҳамда ғалла парвариши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда Президент Ислом Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан бош мақсад — мулкчиликнинг турли шаклларини мустаҳкам қарор топтириш орқали маҳсулот самарадорлигини ошириш, пировард натижада қишлоқ меҳнаткашлари турмуш фаровонлигини юксалтиришдан иборат. Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоятдаги ҳатто режани ошириб бажарган туман ва хўжаликлар ҳам йилни зарар билан якунлаган. Бунинг асосий сабаби — қишлоқ хўжалигида иқтисодий таҳлил замон талаблари асосида йўлга қўйилмаган, моддий манфаатдорлик билан боғлиқ бозор иқтисодиёти механизмлари тўлиқ ишга солинмаётир.

Йиғилишда кўкламги экиш мавсумини қисқа муддатларда ва сифатли ўтказиш, ўғит таъминоти, агротехника тадбирлари ва бошоқли дон экинларини парвариш қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Деҳқончиликда орттирилган бой тажриба ва анъаналарга суяниш, янгиликларга интилиш, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, мулкка эгалик ва моддий манфаатдорликни ошириш — бугунги кунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятида асосий омил эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев иштирок этди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири

● БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ



Қорақалпоқ ёшлари

УЛАР ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН ЎЗ ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИ САРИ ИНТИЛИШМОҚДА

Мамлакатнинг буюк келажагини замонавий фан-техника ютуқларини мукаммал эгаллаган, истеъдодли, иқтидорли, билимли ва тафаккури тийран ёшлар белгилайди.

Миллат шаънини, шуҳратини вақти келиб улар ҳимоя қиладилар, довруғини таратадилар.

Қорақалпоқ диёрида кўплаб ана шундай ёшлар камол топмоқда. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда учта олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат университети, Ажиниёз номидаги педагогика институти ҳамда Тошкент тиббиёт педиатрия институтининг филиали ёшлар учун маърифат, маънавият бешигига айланган. Уларда таҳсил олаётган талабалар орасида республика олимпиадаси ғолиблари, халқаро спорт мусобақалари иштирокчилари, Беруний, Улуғбек, Навоий номли Давлат стипендиялари соҳиблари бор.

Қорақалпоғистонда 1998-2002 йиллар давомида 3 академик лицей, 34 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Истиқлол йилларида кўплаб қорақалпоқ ёшлари «Умид» жамғармаси томонидан хориждаги нуфузли олий ўқув юртларига таълим олишга юборилди.

Мамлакатимизнинг спорт соҳасида эришаётган ютуқларида қорақалпоқ ёшларининг ўз ўрни бор. Бугун уларнинг олдинги сафида кураш бўйича ёшлар орасида жаҳон чемпиони Баҳром Эрматов, Низоматдин Хўжабоев, халқаро турнир совриндори Шокиржон Қўчқоровлар бормоқда.

Бугун қорақалпоқ ёшларининг орзулари бир дунё. Улар ўз ниятларига етишлари учун ҳамма имкониятлар етарли. Қорақалпоқ йигит-қизларининг номлари эртага мамлакатимиздан ташқарида ҳам эътироф этилишига ишончимиз комил. Уларнинг интилишлари, изланишлари, иқтидорлари бундан дарак бериб турибди.

Фаррух ҲАМРОЕВ

✧✧✧

Суратларда: 1. Нукус давлат педагогика институтининг 3-курс талабаси, Беруний номидаги Давлат стипендияси совриндори Саятхон Ибраймова; 2. Кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Низоматдин Хўжабоев ва халқаро турнир совриндори Шокиржон Қўчқоров; 3. Қорақалпоқ давлат университети иқтидорли талабалари; 4. Нукус иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабалари кимё дарсида.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ҳеч қачон масъулиятни унутмаслик керак

Бугунги кунда Ироқда рўй бераётган ҳодисалар муносабати билан жаҳон оммавий ахборот воситаларида турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Хусусан, бу масала бўйича сиёсатчилар, давлат арбоблари билан бир қаторда, дин намояндалари ҳам ўз ёндашув ва қарашларини баён этмоқда.

Биз Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВга мурожаат этиб, бу борадаги айрим саволларга аниқлик киритишни сўрадик.

Савол: Муҳтарам муфтий ҳазратлари, сизга маълум бўлиши керакки, куни кеча Россия ва МДҲнинг Европа қисми мусулмонлари марказий диний бошқармаси раиси Талъат Тожиддин Ироқдаги воқеалар муносабати билан Россия мусулмонларини Америка Қўшма Штатларига қарши жиҳод эълон қилишга чақирган. Бу масалага сизнинг муносабатингиз қандай?

Жавоб: Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Бу даъватни эшитиб, юртимиздаги кўпчилик мусулмонлар каби мен ҳам таажжубга тушдим. Чунки, муқаддас динимизда жиҳод эълон қилишга ўта масъулиятли бир масала деб қаралади. Динимиз тарихидан маълумки, ота-боболаримиз бундай ибораларга мурожаат қилишда ҳамиша етти марта ўлчаб, бир кес, деган ҳикматга қатъий амал қилганлар.

Нега деганда, бу масалада бирон-бир қарорга келишдан, жамики мусулмонлар номидан гапиришдан олдин, аввало уларнинг фикрини олиш, уни диний идоралар, уламолар кенгашларида жуда жиддий муҳокама қилиш зарур бўлади.

Шундай экан, одамнинг хаёлига беихтиёр, бутун Россия мусулмонлари номидан бундай даъватларни билдираётганлар аслида кимларнинг ноғорасига ўйнамоқда, деган фикр келади. Бу каби ҳавойи чақириқлар, шубҳасиз, ҳозирги нотинч вазиятни янада кескинлаштиришга, уруш алангасини авж олдиришга, ер юзининг турли жойларида яшаётган мусулмонларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам бизнинг динимиз бундай вазиятларда маслаҳату машварат, вазминлик билан иш тутишни, муқаддас динимизнинг шаъни ва обрўсига доғ туширадиган ножўя хатти-ҳаракатлардан тийилишни буюради. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, Ироқда содир бўлаётган воқеалар туфайли жафокаш Ироқ халқи азоб-уқубатлар, айрилиқ, қийинчилик ва талафотларни бошидан кечираётган бир пайтда биз Аллоҳдан мана шу урушнинг тезроқ барҳам топишини сўраймиз. Кўп йиллар давомида мустабид ҳукмдор Саддам Ҳусайннинг зулми ва тажовузи остида эзилиб келган бу халқнинг дунёдаги эркин ва озод миллатлар қаторидан жой олишини, қўшнилари бўлмиш бадавлат ўлкалар — Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Баҳрайн, Қувайт мамлакатлари сингари фаровон ҳаёт даражасига эришишини, шу заминнинг бойликлари ва салоҳиятидан ўз юртининг ривожи ва аҳолисининг бахт-саодати йўлида фойдаланиш насиб этишини тилаймиз.

Ўйлайманки, бу барча-барча мусулмонларнинг эзгу интилишларига мос келади.

Савол: Шу ўринда яна бир мулоҳаза туғилади: Т.Тожиддин жаноблари Россия фуқароси бўлса, Ироқдаги воқеалар бу мамлакатга бевосита таъсир кўрсатмаётган бўлса, ҳарбий коалиция кучлари Россия ҳудудига бостириб кирмаган бўлса, бундай чақириқнинг боиси нима экан?

Жавоб: Дарҳақиқат, биз бундай даъватларни аввалам-бор дунёдаги кўплаб соддадил мусулмонларнинг онгини чалғитадиган, мутаассиб ва бузғунчи гуруҳларнинг тегирмонига сув қуядиган, тинчликка раҳна соладиган кучларнинг ғаразли мақсадларига хизмат қиладиган хатарли чақириқ, деб қабул қилишимиз керак.

Сўзни мухтасар қиладиган бўлсак, биз бундай чақириқларни ҳар хил сиёсий ўйинларга берилиш ва шунинг эвазига сохта обрў орттиришга уриниш, деб баҳолаймиз.

Мен юртимизда истиқомат қилаётган барча мўмин-мусулмонларни бугунги таҳликали бир даврда доимо ҳушёр бўлишга, узоқ-яқинимизда эшитилаётган турли даъват ва қутқуларга берилмасликка, ҳар қандай вазиятда ҳам ақл ва идрок билан иш тутишга чорлайман.

А. АҲМЕДОВ
суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЕТТБ: салмоқли ишлар, залворли режалар

Тошкентда ўтказиладиган Европа Тикланиш ва тараққиёт Банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилиши олдидан ушбу нуфузли халқаро форумнинг доимий ишловчи Матбуот Марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун навбатдаги анжуман бўлиб ўтди

Унда мамлакатимиз Бош вазири ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги Бош директори Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасида ҳамкорлик самаралари ва бевосита хорижий инвестицияларни жалб этишнинг янги имкониятлари ҳақида гапириб, журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

— Мазкур анжуманни ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрининг танланиши, — деди Бош директор ўз сўзида — банкнинг Шарқ мамлакатларида самарадор фаолият сиёсатини амалга ошираётганлигидан далолат. Бу, Ўзбекистон — минтақадаги йирик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат сифатида, Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга кафолат бўлиб хизмат қилишига юксак ҳамда қатъий ишонч рамзи.

Рақамларга кўз ташланг: 2002 йил мамлакат иқтисодиётига киритилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 650 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугун Ўзбекистон жаҳоннинг 120 дан ортиқ мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириб бормоқда. Ҳозир юртимизда жаҳоннинг 90 мамлакатидан хорижий инвестициялар иштирокидаги 3000 дан зиёд корхона фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг 20 фоизидан ортиғи 100 фоизли хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар бўлиб, 80 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётир. Умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ долларига тенг 87 та инвестицион лойиҳани ўз ичига олувчи давлат инвестицион дастури изчил амалга оширилмоқда. Улардан 30 фоизи бевосита хорижий инвестициялардир.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларида қўшимча имтиёзлар ва енгилликлар яратилган ҳолда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни тузиш бўйича ҳукумат дастурининг қабул қилиниши мамлакат тадбиркорлари учун янги имкониятлар очди.

3-бет

● АРМИЯМИЗ — ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Жасорат ва матонат мактаби

Мамлакатимизда Қуролли кучлар тизимини ислоҳ қилиш изчил давом этмоқда.

Шу йилдан эътиборан «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ҳарбий хизматни ўташ бўйича янги қоидалар жорий этилмоқда.

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, тарих фанлари номзоди, майор Ислом ИНОЯТОВ билан ушбу қонунда қайд этилган янгиликлар ҳақида суҳбатлашди.

— Сиз ҳарбий хизматчи ва тадқиқотчи олим сифатида ушбу ўзгаришлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Аввало ҳарбий хизмат турлари ҳақида тўхталсам. Булар:

муддатли ҳарбий хизмат;

сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;

контракт бўйича ҳарбий хизмат;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Ана шу хизмат турларининг ҳар бирига Қонунда алоҳида шарҳлар берилган.

— Фикримизча, муддатли ҳарбий хизмат ва унга оид масалалар кўпчиликни қизиқтиради. Чунки, муддатли ҳарбий хизмат муддати бир вақтлар 4,3,2 йил бўлгани маълум. Биринчи йил хизмат қилаётганлар ва учинчи йил хизматдаги аскарлар ўртасидаги уставдан ташқари ҳолатлар ҳам эсимизда. Тажриба бу муддатларни оқламади. Жанговарлик қобилиятини оширишни таъминламади. Ўтган йиллар сабоқлари армиядаги вазиятни ўзгартириш кераклигини кўрсатди.

— Ҳа, тўғри. Армия — бу халқнинг таркибий қисми. Демак, у халққа хизмат қилади.

Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календар ҳисобида оддий аскарлар ва сержантлар учун — ўн икки ой, олий ўқув юртларида ҳарбий кафедрада ҳарбий таълим олмаган ёшлар учун тўққиз ой қилиб белгиланди. Хизмат муддатларининг бундай белгиланишини Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида асослаб берди ва қатор далилларни келтирди.

2-бет

BUSINESS BANK
Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

Алпомишлар юртида дунё алплари

Кеча Термиз шаҳрида кураш бўйича Президент соврини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VI халқаро турнир бошланди



«Алпомиш» ўйингоҳи минглаб кураш ихлосмандлари билан тўлиб-тошган. Мамлакатимиз ва дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан ташриф буюрган икки юз нафарга яқин паҳлавон миллий курашимиз бўйича ғолиблик учун беллашмоқда. Жаҳондаги энг нуфузли турнир саналган мазкур мусобақада илк марота-ба дунёнинг беш қитъасидан полвонлар гиламга чиқишяпти. Бу эса жаҳон спорти оламида миллий курашимиз шуҳрати тобора ортаётганлигидан яна бир даракдир.

Мусобақанинг очилиш маросими чинакам байрамга айланиб кетди. Республикамиз ва Сурхон воҳасининг таниқли санъаткорлари чиқишларини мухлислар олқишлар билан қарши олишди.

Турнирни вилоят ҳокими Тошмирза Қодиров очди ва мусобақа қатнашчиларига омад тилади.

Шундан сўнг Африка Кураш конфедерацияси президенти Андре Френч, Европа Кураш конфедерацияси президенти Иброҳим Озтек ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов халқаро турнирнинг аҳамияти, миллий курашимизнинг йилдан-йилга ортиб бораётган нуфузи ҳақида сўз юритдилар.

Кеча кечқурун дастлабки ғолиблар аниқланди:

66 кг. Сухроб ДЎСТОВ (Сурхондарё)
81 кг. Исоқ АҲМЕДОВ (Қашқадарё)
90 кг. Карлос ХОНОРАТО (Бразилия)
100 кг. Камол МУРОДОВ (Тошкент)

4-бет

АРМИЯМИЗ — ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Жасорат ва матонат мактаби

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календар ҳисобида оддий аскарлар ва сержантлар учун — ўн икки ой, олий ўқув юртларида ҳарбий кафедрада ҳарбий таълим олмаган ёшлар учун тўққиз ой қилиб белгиланди. Хизмат муддатларининг бундай белгиланишини Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида асослаб берди ва қатор далилларни келтирди.

Булар: **биринчи далил.** Илғор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ёш йигитнинг тўлақонли билим олиши — қишки, ёзги, кузги ҳарбий тайёргарликдан ўтиши, энг замонавий қуролларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши учун 12 ой кифоя қилади. Энг муҳими, у армияда керакли ҳарбий билим олади, ҳар томонлама пишиб, чиниқади. Бир йиллик муддатнинг етарли эканини армиядаги хизмат даври 12 ойдан ошмайдиган Германия, Дания, Испания, Польша, Австрия каби мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Иккинчи далил. Агар биз ҳарбий хизматнинг иссиқ-совуғини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар ҳолда, 12 ой — 18 ой дегани эмас. Ўз-ўзидан аёнки, бундай шароитда ёш йигитлар ўз хоҳиши билан, айтиш мумкин, кўпроқ катта ҳавас ва иштиёқ билан армияга интилади. Бу жуда муҳим омилдир.

Учинчи далил. Ҳарбий хизматнинг янги, анчагина қисқарган муддати ҳаётга қадам қўяётган ёш йигитларимизга шу муддат мобайнида ўз ҳаёт йўлини белгилаб олиш учун етарли бўлади. Ва ўзининг келажагини аниқ танлаб олади — ҳарбий касб бўладими ёки фуқаролик касби бўладими — унинг ўзига ҳавола.

Тўртинчи далил. Яна шу нарса муҳимки, хизмат муддатининг қисқариши натижасида совет замонидан қолиб келаётган «эски хизматчилар» ва «янги келганлар» деган бемаъни тушунчаларга, агар улар бугун гоҳ-гоҳ учрайдиган бўлса ҳам, бундан кейин бутунлай барҳам берилади.



— Маълумки, 2003 йил баҳорги чақирувдан мамлакатимизда Қонун асосида ҳарбий хизматнинг янги бир тури — сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат жорий этилди. Бу қандай хизмат?

— Бунда муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ташкил этиш чоралари тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий тамойил асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Молия вазирлигининг махсус ҳисоб варағига пул бадаллари киритилишини назарда тутади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига фуқаролар йигирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишилари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаётган фуқаролар йигирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказиладилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинганлар тўлайдиган пул бадаллари миқдори ва уларни тўлаш тартиби Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида низом билан белгиланади. Бу маблағлар муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга аниқ мақсадли йўналтирилган бўлади.

— Қуролли Кучлар ислоҳотларида профессионал армия ташкил этиш асосий стратегик вазифа ҳисобланади. Шу сабабли Қуролли Кучларни ташкил этишда шартнома-контракт бўйича ҳарбий хизмат алоҳида аҳамиятга эга. Бу хизмат хусусида фикрингиз?

— Бугунги кунда профессионал армия, шартнома-контракт асосидаги ҳарбий хизмат атамаси тез-тез ишлатилмоқда. Президентимиз мазкур масалага иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида алоҳида тўхталиб, мазкур масалани қуйидагича тарзда баён қилиб бердилар.

Бундан мақсад шартнома-контракт асосида ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб биладиган, ҳақиқатан ҳам оғир ва шарафли касб эгаси бўламан, деб интиладиган фуқаролардан ташкил топадиган армияни барпо этишдир.

Содда қилиб айтганда, халқ хўжалигида ҳар қандай мутахассис, мисол учун, қишлоқ хўжалигида агроном бўладими ёки саноатда муҳандис-инженер, қурилиш соҳасида қурувчи бўладими, ўз қобилияти ва салоҳиятини қандай намоён этса, профессионал армияда хизмат қиладиган ҳарбийлар ҳам ўз касб маҳорати ва билимини амалда шундай қўллаш имконига эга бўлади.

Контракт бўйича ҳарбий хизмат Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатларининг асосий шартлари контрактда белгиланади. Айни пайтда дастлабки контракт хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича уч йил, офицерлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича беш йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташ шарти билан контракт тузилади.

Ҳарбий хизматнинг контрактда назарда тутилган муддати тугаганидан кейин тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги контракт тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

— Қонунда хизматнинг яна бир тури сифатида Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати кўрсатилган. Бу хизматнинг моҳияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Резервчилар хизмати ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбур кишилар тинчлик даврида қоида тариқасида, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобидаги ихтисослик бўйича мажбуриятларини тинчлик ва уруш даврида бажариши учун зарур бўлган кўникмаларини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий тамойил асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин.

Резервчилардан уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам, Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид тутилганда, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан қўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговар мақсадлар бўйича фойдаланиш мумкин.

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муқобил хизмат тури ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу қандай хизмат?

— Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Президентимиз муқобил хизмат масаласига алоҳида тўхталиб, «бундай хизматнинг шаклини ўзгартиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳар ҳолда, ҳозирги пайтда амалда бўлган муқобил хизмат шакли ўзини оқламаяпти. Буни рўйрост тан олиш керак», деб айтган эди. Янги Қонунда бу масала атрофлича ўрганилиб, муқобил хизматни ўташни ташкил этишда ҳам ўзгаришлар киритилди. Муқобил хизматни ўташга диний таълимоти қурол-яроқдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турувчи фуқаролар жалб қилиниши белгиланди.



Муқобил хизмат муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса саккиз ойни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласида таъкидланганидек, **миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва мактабда олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига, ҳар биримиз учун фахр ва ифтихор манбаига айланиши муқаррар.**

Дарҳақиқат, эндиликда армиямиз чин маънода халқ армияси бўлади. Жасорат ва матонат мактабига айланади.

Суҳбатни Ҳамдам СОДИҚОВ олиб борди

Шу кунларда мудофаа ишлари бўйича Тошкент шаҳар бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига баҳорги чақирув қизғин бормоқда. Чақирув «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонун, шунингдек, ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг саломатлигига, ақлий ва касбий даражасига нисбатан кучайтирилган талаблар асосида амалга оширилмоқда.

Суратларда: қабул комиссияси иш пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Кадрларда қўним йўқ,

ШУ БОИС БУХОРО ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ

Шарқ гавҳари дея тан олинган Бухоро азалдан буюк алломалар, олиму фузалолар, уста пахтакорлар юрти. Бу қадим гўша нафақат бетакрор обидалари, балки тиллога тенг пахтаси, жозибадор қоракўли, нафис ипаги билан ҳам оламни ҳайратга солиб келган. Лекин кейинги йилларда вилоятда пахтачилик оқсамоқда, чорвачилик шуҳрати сўнянти. Бу, яққол кўзга ташланиб турган ҳақиқат. Аввало унга соя солаётган сабаблар нималардан иборат? Ё бухороликлар меҳнатга бўйин эгилари келмай қолдими?

— Йўқ, — дейди ғиждувонлик кекса пахтакор, меҳнат фахрийси Э.Холов. — Халқимиз меҳнатсевар, инсофли, диёнатли. Буғдой нонингиз бўлмаса ҳам буғдой сўзингизга кўнаверади. Ҳар бир келган янги раҳбарга ишонади, косамиз энди оқарар деган илинж билан яшайди...

Ҳа, бундан бир неча йил илгари ҳам бухороликлар худди шу умидворлик ила белни маҳкам боғлашганди. Тўғрисини айтадиган бўлсак, амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ободончилик ишлари, катта қурилишлар, тарихий обидаларнинг таъмирланишига бўлган эътибордан кўнгиллар равшан тортади. Аммо вилоятнинг қатор туманлари иқтисодиётида туб ўзгаришлар сезилмаяпти. Соҳалардаги қолоқликнинг асосий сабабларидан бири раҳбарликдаги номақбул иш услублари, кадрлар қўнимсизлиги тобора авж олаётганлиги билан боғлиқлигини кўпчилик билади.

— Халқимизда «бир йигит қирқ йилда вояга етади», «дарахт бир жойда кўкаради», — деган ажойиб нақлар бор, — сўзга қўшилди кекса ўқитувчи С.Мамедов. — Бундан маъно уққан кишиларгина кадрлар қадрига етадилар. Сирасини айтганда, вилоятда раҳбар кадрлар тез-тез алмаштирилиши ҳар хил қусурларга «омил» бўлмоқда.

Шу ўринда ҳамсуҳбатимиз ҳақлигига шубҳа қилмасак. Сабаби, кадрлар эланиши одатий тусга киргани ҳеч кимга сир эмас. Дарвоқе, ширкат хўжаликлари раисларининг аксарияти икки-уч маротаба ва ҳатто йилма-йил янгиланган билан аҳвол ўзгармаяпти. Буни айниқса, Жондор, Қоракўл, Олот, Пешку, Ромитан туманларида кўпроқ учратса бўлади. Ночор ҳолга тушиб қолган Жондор туманидаги Охунбобоев, Теша Салимов, Тошқул Ҳотамов номли, «Бухоро», Когон туманидаги «Бўстон», Олот туманидаги Раҳмат Ботиров номли, «Зарафшон», Пешку туманидаги «Дўстлик», «Янгиобод», А. Навоий номли, Ромитан туманидаги «Қўрғон — Ромитан», «Ўзбекистон», Эрнафас Хўжаев номли, «Варахшо», Шофиркон туманидаги Убайд Асадов номли, «Талисафед», Иброҳим Мўминов номли ширкат хўжаликларида раис алмаштириш пойгаси деярли ҳар йили авжига чиқади. Кимнингдир чўрткесарлиги, яна бировнинг ташқи қиёфаси «бошига бало» бўлади.

Хўш, бундай ҳолатлар ширкат хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари Низомлари талаблари бир пул бўлиб қолганидан далолат эмасми?

Бултур вилоятда давлатга пахта сотиш шартномавий режаси 90 фоиз бажарилди. Давлатга 400 минг тонна ўрнига 363251 тонна хомашё сотилди. 143 та ширкат хўжалигининг тенг ярмида бу борадаги режалар сурункасига барбод бўлмоқда. Бир ерда қўним топган кадрлар бош бўлган ширкат хўжаликларидагина чўмич ҳам, қозон ҳам мой. Жумладан, Бухоро туманидаги «Маданият», «Дўстлик», С.Ёдгоров номли, Вобкент туманидаги Бухорий, Қ.Муртазоев номли, «Зардор», «Зарафшон», Охунбобоев номли, Жондор туманидаги «Истиқлол», Когон туманидаги «Ўзбекистон», «Зарафшон», Ғиждувон туманидаги «Гулистон», Ф.Хўжаев, А.Ғиждувоний, Ибн Сино номли ширкат хўжаликларида пахта, ғалла сингари тармоқлар ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда.

Вилоятда нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасида балки тармоққа алоқадор ташкилотларда ҳам кадрлар алмаштириш мусобақаси авжига чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ XI СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

Демократик жамият қуриш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессия кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалаларнинг Ватанимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни янада чуқурлаштирилишга қаратилганлиги шак-шубҳасиздир.

Мен, мамлакатимиз парламенти сессиясида биринчи ўқишда кўриб чиқилиши мўлжалланаётган, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақидаги долзарб масала юзасидан, ўз мулоҳазаларимни айтишни лозим топдим.

Ушбу Қонун лойиҳаси янги таҳрирда киритилаётган экан, у ўзининг асосий мазмун ва моҳиятини сақлаб қолади, деб ўйлайман. Чунки, амалдаги Қонун, давр талаб этган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда, юртимизда қатор демократик сайловларни ўтказилишига хизмат қилди.

Шу билан бирга, амалдаги, Қонунда ўз аксини тўлиқ топмаган, лекин, менинг фикримча, бугунги кунда тегишли моддаларда янада аниқроқ кўрсатиб ўтилиши зарур бўлган масалалар мавжуддир.

Биринчидан, Марказий сайлов комиссияси у ёки бу номзодни рўйхатга олмаслик ҳақида қарор қабул қиладиган бўлса, у, бунда номзод кўрсатган ташкилотга бу тўғрида қачон маълум қилиши шартлиги Қонунда аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Иккинчидан, депутатликка номзоди кўрсатилган шахснинг унинг номзодини кўрсатган ташкилот олдида ҳам масъулиятини аниқ белгилаб қўймоқ зарур. Амалдаги Қонуннинг 29-моддасида «Олий Мажлис депутатлигига номзод сайловга қадар истаган вақтида номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади», дейилган.

Бўлиб ўтган сайловлар амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, баъзи номзодлар сайловга бир неча кун қолганда, у-бу сабабларга кўра, сайловда иштирок этишдан воз кечиб, бу ҳақда бевосита Марказий сайлов комиссиясига ариза берадилар. Бу вазиятда тегишли номзодни кўрсатган ташкилот янги номзод кўрсатишга улгурмайди ва эгаллаши мумкин бўлган депутатлик ўрнидан маҳрум бўлади.

Ҳолбуки, ҳар бир депутатликка номзодни Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингунига қадар қанчадан қанча ҳаракатлар қилинади. Агар у сиёсий партия томонидан кўрсатилганида, унинг номзоди қуйи партия ташкилотларида ўрганилиб, талабга жавоб берган тақдирда, юқори партия органига тавсия этилади. Кейинчалик, партия қурултойида унинг сайловларда қатнашиши учун Марказий сайлов комиссиясига номзод сифатида рўйхатга олишга тақдим қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Албатта, бу ерда номзоднинг маълум бир сайлов округидан кўрсатилишига розилиги ҳақидаги аризаси ҳам олинади. Шундан кейин қатор ҳужжатлар, номзод тўғрисидаги плакатлар, тарғибот-ташвиқот ашёлари тайёрланади. Бу ишларга қанчадан қанча партия фаоллари, унинг хайрихоҳлари, зарурат ва имкониятдан келиб чиқиб, маблағлар ҳам жалб қилинади.

Афсуски, амалдаги Қонуннинг юқорида кўрсатилган моддасига кўра, ушбу номзод қандайдир сабабларга кўра, «исталган пайтида» сайловда қатнашишдан воз кечишлиги ҳақида ариза бериши ва Марказий сайлов комиссияси уни қаноатлантириши мумкин. Номзоднинг бу ҳақда ўзини кўрсатган сиёсий партияга мурожаат қилиши ёки уни хабардор қилиб қўйишини Қонун талаб қилмайди. Унинг аризаси кўрилаётган пайтда номзодни кўрсатган сиёсий партиянинг фикри ёки қарори сўралиши кўзда тутилмаган.

Менимча, ушбу Қонуннинг янги таҳририда номзодликдан воз кечиш тўғрисидаги аризаларни сайловга номзодлар кўрсатиш муддати тугашига камида ўн кун қолганида берилиши мумкинлиги ва бу ҳақдаги ариза кўрилаётганда номзодни кўрсатган сиёсий партиянинг фикри инобатга олиниши белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу билан номзоднинг ҳам, унинг номзодини кўрсатган ташкилотнинг ҳам масъулияти оширилган бўлар эди.

Шунингдек, Қонунда депутатликка номзод кўрсатган ташкилотларнинг масъулиятини аниқ белгилаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ. Хусусан, номзодни кўрсатган ташкилот ўз номзодининг фаолияти, юриш-туриши учун маънавий жавобгар, шунингдек, депутат ўз сайловчилари ёки номзодни кўрсатган ташкилотнинг ишончини оқламаса, мазкур ташкилот ҳам, у билан бир қаторда, масъул эканлигини кўрсатиб ўтмоқ шарт, деб ҳисоблайман.

Ушбу Қонун лойиҳаси устида иш олиб бориш жараёнида мазкур таклифлар ҳам инобатга олинса, айни муддао бўлар эди.

Собиржон УСМОНОВ, сиёсатшунос

МУАММО, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

Топганингиз

«Фалончининг тўйи зўр бўлди», «фалончининг тўйи файзли ўтди», «сизни ҳам тўйга етказсин» деган гапларни кўп эшитамиз. Хўш, тўй эгаси қандай мақсадлар билан эл-улусга дастурхон ёзади? Умуман, тўйларимиз қай тарзда ўтаяптию, аслида қандай бўлгани маъқул? Мухбиримиз Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ шу каби саволлар билан Жиззах вилояти шаҳар ва қишлоқларида яшаётган турли ёш ва касб-кордаги кишиларга мурожаат этиб, улар билан фикрлашди.

Абдумутал ОТАБОЕВ, вилоят «Қўшчинор» жомъе масжиди бош имом-хатиби ноиби:

— Тўй деганда, аввало хурсандчилик тушунилади. Аслида у эҳсон, савоб. Тўй сабаб маҳалла-қўйга, эл-улусга дастурхон ёзилади. Ҳар қандай хайр-эҳсондан кутилган асосий мақсад эса савобдир. Шариатда эҳсон қилиш яхшилик қилиш деган маънони англатади. Яна шу нарса маълумки, ҳар нарсада, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр бўлгани маъқул. Кимўзарга тўй қилиш, мақтанчоқлик, исрофгарчилик, манманлик ислом динида қораланган. Савол туғилади: қандай қилинса, Аллоҳ рози ва эҳсон унинг ҳузурида қабул бўлади? Бунинг бир нечта шартлари бор: биринчиси, эҳсон учун сарф қилинаётган мол-дунё ҳалол йўл билан топилган бўлиши шарт. Иккинчиси, холис бўлмоғи шарт. Одамлар кўрсин, мақтасин деб риёкорлик мақсадида қилинган эҳсон мақбул эмас. Учинчиси, исрофга йўл қўймаслик. Исроф деганда фақат таомнинг ортиб қолиши тушунилмайди. Ноўрин жойга қилинган эҳсон ҳам исрофдир. Баъзилар тўй дастурхони ёзиб, муҳтожлар қолиб, фақат ўзига тўқ, бой-бадавлат кишиларни чақирадиларки, бундай эҳсон қабул қилинмайди. Шу билан бирга шариатда ҳаром дейилган нарсаларни дастурхонга қўйиш ҳам исрофга киради. Бинобарин, мўмин-мусулмонлар яхши ният билан тўй бериб, элга дастурхон ёзар экан, масаланинг шу томонларигаям эътибор берсалар маъқул бўларди.

Гадой ШОДИЕВ, Дўстлик туманидаги «Шодлик» фермер хўжалиги раҳбари, меҳнат фахрийси:

— Яқинда Пахтакор туманида бир тўйда бўлдим. Ана тўй, мана тўй. Довруғи етти эмас, етмиш маҳаллага кетди-ёв. Ҳатто кўчанинг икки томонини тўсиб, камида икки минг кишилик жой қилинибди. Ичкиликнингку, камида 10 хилидан бор. Мусиқа, шовқин-сурон. Ора-сира даврабоши кимгадир сўз бериб қўяди. Тили зўрга айланаётган «нотиқ» алланималар ҳақида узундан-узоқ ваъзхонликни бошлайди. Айтаётган гапларида маъно-мазмун бўлсаям кошкийди. Ўртада ўйинчи жувон ярашса-ярашмаса ўтирганларга хиром қилади. Ашулачининг авжи баланд. Қистир-қистирни-ку, қўяверинг. Беихтиёр ўйлаб қоласан: қани бу ерда ўзбекона маданият? Миллатимизга хос бўлган урф-одатларга нима бўлди? Ахир тўй дегани араҳқўрлик, исрофгарчилик, ёшу қари аралашиб кетган маънисиз йиғин эмас-ку. Балки бу гаплар бировга ёқмас, кимларнингдир ғашини келтирар. Лекин тўйларимизни гўзал, файзли ўтказишни ҳам ўйлашимиз керакмасми?

Саттор ПАРДАЕВ, Арнасой туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси:

— Арнасойда арақ берилмайдиган тўйнинг ўзи йўқ. Тўй қилувчи шу зормандани дастурхонга қўймасам, одамлар мендан хафа бўлади, деб ўйлайди. Ичкиликнинг дастидан жанжал чиқмаган тўйлар саноқли. Ёки бундай тўй эгасига обрў келтирадими? Қани бу ерда маҳалла оқсоқолларининг ўрни? Зиёлиларимизга нима бўлди? Нега улар миллатимиз, маданиятимиз, урф-одатларимизга бегона бўлган кўринишларга нисбатан бефарқ, лоқайд? От изини той босади, дейдилар. Ёшлар тўйларда катталар қилаётган бундай номақбул ишларни кўриб улғайсалар оқибати нима бўлади?

Бойдулла АБИЛАЕВ, Мирзачўл туманидаги Дўстлик маҳалласи оқсоқоли:

— Одатда тўй қилаётган одам кўпчиликнинг олдига дастурхон ёзиб, элга ош беришни ният қилади. Ота-боболардан қолган удум бу. Бироқ тўйга келганларни бой ёки камбағалга, мансабдор ёки оддий фуқарога ажратиш қачон пайдо бўлган? Бу ҳолнинг нечоғли хунук, нақадар зарарли эканлигига яқинда бир тўйда амин бўлдим. Демак, амалдорлару бойларга бошқача, оддий меҳнаткашга бошқача муносабат экан-да.

ишда эса унум

ИСЛОҲОТЛАР СУСТ БОРМОҚДА

Вилоят фермерлар уюшмаси вакиллиги, кимё таъминоти, нефть маҳсулотлари ҳамда техника таъминоти корхоналари раҳбарлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари доимо янгиланиб турилмаса, гўё ишлар юришмай қоладигандек...

Халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот каби қатор бошқармаларда раҳбарлик курсисида ўтириб келаётганларнинг саноғи йўқ. Ишдан «қусурлари» боис бўшатилган ўнлаб кадрлар ҳозир фермер, айримлари бекор. Вилоят ҳокимининг қарори билан жорий этилган «Кадрлар куни»да «Ишдан ол!», «Аризангни ёз»лар палак отмоқда. Ахир кадрлар осмондан тушмайди-ку. Бир кадрни ўқитиб, тайёрлашга қанча вақт, маблағ кетади?

Яна бир гап. Бухороликлар ҳар хил «кунлар»га ҳам кўникиб қолдилар, мажлисларга ўргандилар, мослашдилар. 7-8 соатлаб давом этадиган «раислар куни» узлуксиз 4 йил самара бермади. Энди унинг номи ўзгарди. «Мактаблар куни», «Маърифат ва маънавият куни», «Кадрлар куни» ҳамма «орзиқиб» кутадиган кунлар бўлиб қолди..

— Баъзан вилоят ҳокимлигида бир кунда 3-4 та мажлисга чақириламиз, — дейди олис туман ҳокими ўринбосарларидан бири. — Бориб бир янгилик эшитмаймиз, бари ўзимиз билган гаплар. Бу ёқда эса ишимиз қалашиб қолади. Кейин ўзимиз ҳам беихтиёр мажлисбозга айланамиз, қоламиз. Ишонмасангиз, мана, «телефонграмма»ларга кўз ташлашингиз мумкин. Бошингиз айланади ўқиб, энсангиз қотади...

Дарвоқе, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимида 400 дан ортиқ мутахассис ишлайди. Бу катта куч. Агар жойларда улар ўз юмушлари билан банд бўлиб, чигит экиш, дон ўрими, пилла териш, пахта йиғимтерими, шудгорлаш, техника таъмири учун (собиқ шўро даврида «Уполномачий» дерди уларни!) вакилчилик ҳуда-бехудага юборилавермаса ишда силжиш бўлмасмиди? Вакиллик, текшириш гуруҳлари хўжаликка ҳам вакил бўлиб борган ташкилот раҳбарига ҳам фақат моддий ва маънавий зиён эканлиги эндиликда ҳаммага аён-ку! Деҳқонга фармон бериш йўли билан ишни олдинга юритиш пайтлари ўтиб кетганлигига ўн икки йил бўлаяпти, ахир!.. Қолаверса, туман халқ хўжалиги ривожини ўйлайдиган раҳбар аввало, унинг яратувчиси — ишчининг, деҳқоннинг турмуш шароити билан ҳам қизиқиши керак-да. Биргина ичимлик сув таъминоти масаласини олиб кўрайлик. Ҳозир бу миқдор аранг 45 фоизга етди. Олот, Қоракўл, Шофиркон, Ғиждувон туманларида ичимлик сув таъминоти ҳамон ёмонлигича, газлаштириш жараёнлари эса ниҳоясига етказилмаганича қолмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунлари ва 2003 йил вазифаларига бағишланган мажлисда таъкидланганидек, вилоятда ичимлик сув билан таъминланмаган 586 та қишлоқ мавжуд.

Айтаверсак гап ҳам, муаммолар ҳам кўп. Лекин жавобгар унчалик кўринмаяпти. Кимдир барибир жавоб бериши керак-ку.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — ЕТТБ:
салмоқли ишлар, залворли режалар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда, Ватанимизнинг барча ҳудудларида 152 та янги қўшма корхона ташкил этилган. 2005 йилгача бўлган даврда хорижий инвесторларга яна 140 дан ортиқ янги қўшма ишлаб чиқариш объектларида иштирок этиш имконияти таклиф этилган.

— Шу муносабат билан, — давом этди Бош директор, — Европа Банки томонидан пойтахтимизда 60 та хорижий мамлакатларнинг расмий делегацияси, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари, шунингдек, етакчи хорижий тижорат банклари ва инвестицион фирмалар, йирик ишлаб чиқариш концернлари ва компанияларининг раҳбарлари иштирокида муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро тадбирнинг ўтказилиши — Ўзбекистоннинг ишбилармонлар доиралари вакилларига янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳамкорлар излаш борасида қулай имкониятлар вужудга келтиради.

Дарвоқе, умумий жамғармаси 20 миллиард еврони ташкил этувчи Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) фаолияти — Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида асосан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, режали иқтисодиёт шароитида яшаган мамлакатларда бозор муносабатларини шакллантириш сингари жараёнларга кўмаклашишга йўналтирилган. Европа Иттифоқи ва Европа сармоя банклари унинг акциядорларидир.

Биргина ўтган йилнинг ўзида банк 661 миллион евро даромад олди. Шу рақамнинг ўзиёқ ЕТТБ нафақат Европа, балки бутун дунё миқёсида энг нуфузли молиявий ташкилотлардан бири эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон — ЕТТБ ҳамкорлигининг сармоявий фаолияти бир қатор лойиҳаларда акциядор сифатида иштирок этишни ҳам назарда тутади. Чунончи, ЕТТБ бугунги кунда «Ўзбекистон — Интернейшнл» қўшма лизинг компанияси, «ЎзДЭУ банк» қўшма банки, «Косонсой — Текмен» қўшма корхонаси ва бошқа муассасалар иштирокидаги лойиҳаларда фаол қатнашмоқда. «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонасини молиялаш учун 112 миллион, Тошкент аэропортини таъмирлаш учун 36 миллион, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун эса 90 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажартилгани фикримизнинг далили.

— Европа Тикланиш ва тараққиёт банки — корхонамиз муассисларидан бири, — деб ҳикоя қилади **«Косонсой — Текмен» қўшма корхонасининг ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Собиров.** — Банк биз ишлаб чиққан лойиҳани амалга ошириш учун 15 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги маблағ — ҳисса билан шерикчилик қилаяпти. Фаолиятимизни такомиллаштириш йўлида қўшимча яна 14 миллион доллар кредит ҳам ажратган. Ана шу сармоялар ёрдамида корхонамиз қурилишини энг илғор мезонлар асосида тиклаб олдик. Замонавий ишлаб чиқариш линиялари ва ускуналар ўрнатдик. Қолаверса, банк туфайли биз Ғарбий Европага танилдик. Маҳсулотларимиз чет эл бозорларига чиқадиган бўлди. Лондондаги кўргазмаларда совринли ўринлар олдик. Ҳозир бизда тайёрланаётган костюм ва пальтобоп матолар ҳамда адёлларга харидорлар, буюртмачилар кун сайин ошиб бораяпти...

Оддий мутахассиснинг бу қиёсий ва таҳлилий сўзларига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак... Демак, хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Ватанимиз пойтахти — Тошкентда бўлиб ўтадиган ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилиши натижалари Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга ижобий таъсир кўрсатиши, мамлакатимиз салоҳиятига салоҳият қўшиши, шубҳасиз.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Юнус БЎРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Мурожаат этди

АҚШнинг Байрутдаги элчихонаси Ливанда яшаётган Америка фуқароларига мурожаат этиб, Ироқда давом этаётган уруш туфайли содир этилиши мумкин бўлган террорчилик актларидан эҳтиётланиш учун мамлакатдан чиқиб кетишларини сўради, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

Инсонпарварлик ёрдами

Жанубий Кореянинг «Ренхап» агентлиги берган хабарга кўра, Жанубий Корея ҳукумати Ироқ аҳолисига инсонпарварлик ёрдами сифатида 10 миллион доллар атрофида маблағ ажратишга қарор қилди.

АҚШ эса 530 миллион, Буюк Британия — 330 миллион, Япония — 112 миллион доллар миқдорида маблағ ажратишни мўлжалламоқда.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Таҳдидлар барҳам топса

ТИНЧ ҲАЁТГА ЭРИШИЛАДИ

Саддам Ҳусайн бошлиқ тузумни ағдариш, мамлакатни қуролсизлантиришга қаратилган коалиция кучларининг ҳарбий ҳаракатлари натижаси бугун қандай?

Умуман олганда коалиция кучлари Бағдод томон яқинлашиб бормоқда. Буни АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл куни кеча Белград ва Брюсселга қилган ташрифи чоғида алоҳида таъкидлаб ўтди. «Америка ва Британия кучларининг Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлари муваффақиятли олиб борилмоқда. Билмадим, уруш яна қанча давом этади, бироқ биз унинг тезроқ тугашини ва янги озод Ироқ ҳукумати тезроқ барпо этилишини хоҳлаймиз. Ироқ халқи ўзлари тузган янги ҳукумат раҳбарлигида террор ва қатағон сиёсатидан ҳоли яшайди» деди у. Пауэллнинг айтишича, Ироқ жанубида коалиция кучлари томонидан хавфсизлик тўлиқ таъминланган, мамлакат шимолида ҳам вазият барқарорлашиб бормоқда. Дарҳақиқат, буни дунё ахборот агентликлари ҳам ўз хабарларида баён этмоқда. Жумладан, куни кеча Ироқ миллий гвардиясининг «Бағдод» дея номланган дивизияси Бағдоддан 170 километр масофадаги Кут шаҳрида, «Мадина» дивизияси эса Карбали атрофида яксон қилинганини Пентагон вакили, генерал-майор Стэнли Маккристал CNN телекомпанияси журналистларига маълум қилди.

Эрон радиосининг хабар беришича эса коалиция кучлари Басра атрофида қаттиқ қаршиликка учраган бўлишига қарамай, шаҳарни қамал қилиб, жанговар вертолётлар ёрдамида қамал доирасини сиқиб бормоқда ва шаҳарни эгаллашига оз фурсат қолди.

Америка қўшинлари билан бирга ҳаракат қилаётган Reuters агентлиги мухбирининг хабар беришича, АҚШ денгиз пиёдалари Ан-Носирия шаҳрининг кўплаб туманларини ва Фурот дарёси кўприкларни тўлиқ ишғол қилган. Ҳозир кўприклар қаттиқ қўриқланмоқда.

Ироқ курдлари эса АҚШ ҳарбийлари ёрдами билан Мосул шаҳрини эгаллаш учун жанглар олиб бормоқда. Ироқ армиясини шаҳар аҳолиси хурсандчилик билан кутиб олган. Бу ҳақда CNN телекомпанияси хабар таркатди.

Чўкаётган одам хасга ёпишади, деган иборани бугунги кунда Ироқ армиясига нисбатан айтиш мумкин. Негаки, улар нима қилиб бўлса-да, позицияни қўлдан бермаслик учун ҳар нарса қилишга тайёр. Жумладан, яқинда улар коалиция кучларини ҳаракатдан тўхтатиш учун Басра шимолидаги Қутайбон тўғонини очиб юбордилар. Қувайтнинг KUNA агентлиги хабарига кўра, Басранинг кўплаб майдонларини сув босган. Энди эса Ироқ армияси Ироқ халқининг миллий бойлиги — маданий ёдгорлик мажмуаларидан ҳам жангда фойдаланмоқдалар. Хусусан, АҚШ армияси вакилининг Sky News телеканалига маълум қилишича, Нажаф шаҳрида Ироқ аскарлари мачиту мақбараларда туриб ўт очмоқдалар. Иттифоқчиларга эса мачиту мақбараларга қарата ўт очмаслик буюрилди. Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган Австралия қуролли кучлари вакили France Press агентлиги журналистига берган интервьюсида Ироқ ҳарбийларини қурол-аслаҳа ва бошқа ҳарбий анжомларни бомбардимондан сақлаш учун тарихий ва маданий, диний қадамжолар — қадимий ёдгорлик мажмуаларига яшираётганликда айблади. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр эса бундай қадимий, тенги йўқ ёдгорликларни Саддам армиясининг ўзи порлатиб, коалиция кучларига тўнкашидан чўчимоқда.



Маълумки, ҳарбий ҳаракатлар Ироқ халқига эмас, балки инсониятга қирғин келтирувчи қуролларни ўзида сақлаётган мустабид тузумга қарши қаратилган. Шунинг учун ҳам бу борада АҚШ сиёсатини дунё жамоатчилиги қўллаб-қувватламоқда. Тўғри, бунга қарши давлатлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бироқ коалиция кучларига ва Ироқ халқига ёрдам беришга ошиқаётган давлатлар кўпайиб бормоқда. Reuters агентлигининг маълум қилишича, Жанубий Корея парламенти мамлакат Президенти Но Му Хеннинг Ироққа 700 нафардан иборат ҳарбий шифокор ва муҳандислар бўлинмасини жўнатиш ҳақидаги таклифини маъқуллади ва қарор қабул қилди. Чехия Бош вазири Владимир Шпидла «Новости» агентлиги журналистларига шуни ошкор этдики, хукумат Форс кўрфазига ҳарбий дала госпиталини жўнатишга қарор қилган. Чехия ташқи ишлар вазири Цирил Свободанинг айтишича, госпиталда 300 нафар чех ҳарбий шифокорлари фаолият кўрсатади. Госпитални 20 апрелда жўнатиш кўз тутилмоқда. Австралия эса коалиция кучларига ёрдам бериш учун 6 нафар разведкачини шу ҳафта жўнатди. Улар 3 ой давомида коалиция кучларининг ердан ва ҳаводан берилган зарбалари натижаларини аниқлайдилар. Шу кунларда Австралия махсус бўлинмаларининг 2 мингга яқин ҳарбийси Ироқда АҚШ ва Британия қўшинларига ёрдам бермоқда.

Яна шуни қайд этиш лозимки, чет элларда яшаётган Ироқ муҳожирлари ҳам ҳарбий жараёнларда қатнашиш истагини билдирган. Associated Press агентлиги маълумотларига кўра, март ойида Венгриянинг Тасар ҳарбий базасида 80 нафар муҳожир тайёргарлик курсларини ўтаган. Уларнинг биринчи гуруҳи февралда битирган. Генерал Дэвид Барнонинг айтишича, бугунги кунда Ироқ халқига Умм-Қаср порти орқали инсонпарварлик ёрдами етказиб беришда уларнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Кўриниб турибдики, дунё жамоатчилиги қирғин қуролларидан халос бўлиш, мустабид тузумдан азоб чеккан Ироқ халқига ёрдамга интилмоқда. Негаки, дунёда таҳдидлар барҳам топсагина, тинч ҳаётга эришилади.

Алимқул СУЛТОН

Порт чуқурлаштирилмоқда

Умм-Қаср порти инсонпарварлик ёрдами ортилган катта кемаларни қабул қила олмаётганлиги сабабли АҚШ вакиллари сув тубини янада чуқурлаштирмоқдалар. Бу ҳақда АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги директори Эндрю Натсиос хабар қилди.

Маълумки, 50 тонна буғдой ортилган Австралиянинг катта кемаси портга сиғмаган эди.

Яқин кунларда порт ҳар қандай кемаларни қабул қила олади.

Бошпана таклиф қилди

Австриянинг Каринтия музофоти губернатори Йорг Хайдер Ироқ ташқи ишлар вазири Нажи Сабри учун сиёсий бошпана беришлари мумкинлигини маълум қилди.

Австрияда чиқадиган News журналида ёзишларича, Хайдер ва Сабри узоқ йиллик дўст. 90-йилларда Сабри Венада Ироқ элчиси бўлган.

тўйга буюрсин

БУ ЭЗГУ ТИЛАКНИ ҲАР ҚАЙСИМИЗ ҲАР ХИЛ ТУШУНАМИЗ, ЎЗИМИЗЧА ТАЛҚИН ЭТАМИЗ ВА... УНГА БИЛГАНИМИЗЧА АМАЛ ҚИЛАМИЗ.

Кўра-била туриб кишиларни табақага ажратишга кимнинг ҳаққи бор? Бу одамларга нисбатан бехурматлик эмасми? Бунисиям майли-я, катта қарз олиб бўлса-да, дабдабали тўйлар қилишга нима дейсиз? Масалан, бултур бир қўшним ўғлини уйлантирди. Тўйга келганлар қўл учида кун кўриб юрган бу одамнинг элга ёзган даромади борини ўртага тўкиш, етмаганига қарз-ҳавола кўтариш, тўйдан сўнг гарданидаги қарзни узиш учун емай-ичмай, ҳузур-ҳаловатдан кечиб яшашга не ҳожат? Ортиқча дабдаба кимга керак? Бунинг ўрнига тўйларимизни ихчам, файзли, гўзал қилиб ўтказса бўлмайдими? Топганингиз бундай тўйдан ортадиган бўлса, мискинларга илож йўқ.

Турфа фикрлар, турфа қарашлар. Нима бўлгандаям, тўй-тантана аслида кўнгил иши, қариндош-уруғ, ошна-оғайни, дилтортар дўстлар дийдорлашуви, икки ёшнинг бахт айёми. Шундай бўлгач, мен сендан камми қабилида кимўзарга тўй қилишлар керакми? Ном қозониш, шуҳрат топиш илинган бу одамнинг элга ёзган дастурхони-ю, унга қўйилган нозне ъматларни кўриб лол қолишди. Ичкилик армонсиз қўйилди. Еб-ичишдан, ўйин-кулгудан ками бўлмади. Тўйдан 3-4 кун ўтгач, қўшнимникида бақир-чақир бошланди. Эшитсам, бировдан анчагина қарз кўтарган экан. Ўзининг айтишича, тўйга тушган тўёнадан тўламоқчи бўлган. Афсус, тўёна олинган қарзнинг ярмигаям етмабди. Қўшнимнинг қон босими ошиб, касалхонага тушди. Кўрпага қараб оёқ узатмаслик оқибати шу экан-да. Бундай тўйлар хонадон соҳибларига қувончу шодлик эмас, ҳасрат, ғурбат келтиришига амин бўлмайберганингиз, етим-есирларнинг бошини силаганингиз маъқул эмасми?

Тўғри, тўйни ундай ўтказинг, бундай ўтказинг деб қатъий кўрсатма бериб бўлмайди. Бу ҳар кимнинг ўз иши. Аммо, ўзим билан эканман деб қуюшқондан чиқиш, қадимий урф-одатларимизни менсимасдан исрофгарчилик, ичкиликбозликни авж олдиришга хизмат қиладиган тўйларни оқлаб бўладими? Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, оқсоқоллар, зиёлилар, жамоат ташкилотлари, фаолларнинг бу борадаги ўрни, мавқеи айтарли сезилмаётгани бунга асосий сабаблардан бўлмаётганмикин?

Ичкиликбозлик ва овқатхўрлик ўрнига...

Бугунги кунда тўйлардаги ортиқча харажатларни камайтириш ҳақида кўп гапирямиз. Аввало, ортиқча харажат талаб қилувчи маросим, урф-одатлар қаердан пайдо бўлгани, ҳақиқий ўзбекона тўйлар қадимда қандай ўтгани ҳақида ўйлаб кўриш керак. Этник тарихимизга назар солсак ёки халқимизнинг тўқиган эртакларидан иштибоҳ келтирсак ҳам кўп нарса аён бўлади: қадимда тўйларимиз кўпкари, пойга, полвонлар олишувисиз ўтмаган. Ҳозир ҳам бу удумлар айрим вилоятларда сақланиб қолган. Шу ўринда бир таклиф айтмоқчиман, тўйларда спиртли ичимликлар, кераксиз расм-русумлар ўрнига спорт мусобақалари ўтказилса. Ҳозир спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш бўйича хайрли ишлар олиб борилаётган паллада бу жуда фойдали эмасми? Қўшқўша тоғоралар, яшик-яшик спиртли ичимликларга кетган маблағни соғлом тадбирларга ишлатсак. Бунинг учун маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини раислари ишни тўғри ташкил этсалар, бас. Масалан, кичик бир спорт мусобақасини тўй маросимига қўшиб ўтказиш, ғолибни тўйчининг ҳиммати рағбатлантирса кони фойда бўлади-ку.

Айримларга бу фикрлар эриш туюлиши, «Нима, тўйми бу, спорт тадбирими?» деб киноя қилиши мумкин. Лекин, ўйлаб кўрайлик, тўйда соатлаб овқат еб, ароқ ичиб ўтирган яхшими ёки енгил тановвул қилиб, бироз қўшиқ эшитиб, сўнгра кураш, улоқ ёки бошқа бир спорт турини томоша қилган яхшими?..

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

«BESH YOG'OCH UNIVERSAL BOZORI» ОАЖ акциядорлари диққатига!

«Besh yog'och universal bozori» ОАЖ 2003 йил 15 март куни бўлиб ўтган 2002 йил якунлари тўғрисидаги акциядорларнинг умумий мажлисида қуйидаги қарор қабул қилинди:

1. «Besh yog'och universal bozori» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосаси тасдиқлансин.

3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадлари қуйидагича тақсимлансин ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби тасдиқлансин.

4.1. Амалда олинган соф фойда — 4737600 сўм.

Шундан бошқарув раисига режадан ортиқча олинган соф фойда ҳисобидан шартнома асосида 2% — 621000 сўм.

Тақсимлаш учун қолган қолдиқ — 4116600 сўм.

Шундан: заҳира фондига 5% — 205800 сўм.

Жамият ривожи учун 5% — 205800 сўм.

Дивиденд тўловлари учун 90% — 3705000 сўм.

4.2. Дивидендлар тақсимланиши қуйидагича:

3705000 сўм : 52000 дона акция = 71 сўм 25 тийин

1 дона акция учун 71 сўм 25 тийин (1 дона акцияга солиқ тўлови 10 сўм 69 тийин)

солиқ ундирилгандан сўнг 1 дона акцияга 60 сўм 56 тийин ҳисобланди.

4.3. Дивидендлар тўлови умумий мажлис ўтган кундан 60 кун муддат ичида «Besh yog'och universal bozori» ОАЖ маъмурияти жойлашган Токшент шаҳар, Чилонзор тумани, Туроб Тўла кўчаси, 71-уйда амалга оширилсин.

5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «Агро Рей» хусусий аудиторлик фирмаси тасдиқлансин.

8. Жамият Кузатув Кенгашининг янги аъзолари қуйидагича тасдиқлансин: О.Асадуллаев, А.Муҳамедходжаев, К.Иброгимов, О.Тўйчибоев, С.Саидвалиев.

9. Тафтиш комиссиясининг таркиби қуйидагича тасдиқлансин: С.Худайбердиева, М.Назаров, Б.Саидов.

10. Абдулазиз Акобирович Шодмонов жамият бошқарув раиси этиб 1 йил муддатга сайлансин.

10.1. Жамият бошқарув раиси билан Кузатув Кенгаши ўртасидаги шартнома 2003 йил учун қайтадан тузилсин.

11. Жамиятнинг 2003 йилга иш режаси (бизнес план) тасдиқлансин.

12. Жамият Низом жамғармаси 50200,0 минг сўм миқдорида белгиланган.

13. Жамият Низомига Низом жамғармаси ошириши муносабати билан тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

13.1. Жамият бошқарув раисини сайлаш Кузатув Кенгаши ваколатидан олиниб Умумий мажлис ваколатига киритилсин.

14. Жамият бошқарув раиси А.Шодмоновга мазкур мажлис қарорлари бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

«BESH YOG'OCH UNIVERSAL BOZORI» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий натижалари:

	режа	амалда	фарқи (минг сўм)
Жами даромад	86192,3	98442,6	+12250,3
Жами харажат	39497,9	41408,1	+1910,2
Соф фойда	1632,4	4737,6	+3105,2

«BESH YOG'OCH UNIVERSAL BOZORI» ОАЖ баланс қиймати кўрсаткичлари:

АКТИВ	(минг сўм)	ПАССИВ	(минг сўм)
1. Асосий воситалар	10791,6	1. Устав фонди	5200,0
2. Капитал қўйилмалар	215665,4	2. Резервлар	234924,3
3. Айланма активлар	16693,2	3. Тақсимланган фойда	4737,6
4. Дебиторлар	7588,4	4. Кредиторлар	5876,7
Жами:	250738,6		250738,6

Кўрсаткичлар ЎзР Адлия Вазирлигининг 1998 йил 11 августдаги 517-сонли гувоҳнома ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2001 йил 25 июлдаги 00124-сонли лицензиясига эга «Осиё Аудит» аудиторлик компанияси томонидан текширилди ҳамда корхона баланси устувор деб топилди.

«Besh yog'och universal bozori» ОАЖ Кузатув Кенгаши

Газетанинг ўтган сонида аукцион савдоси эълонида берилган, Ургут туманидаги 22-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчасининг бошланғич баҳосидаги 36800 рақами 36100, деб ўқилсин.

● ЯНГИ КИТОБ

Солиқлар ҳақида изоҳли луғат

Республикамиз иқтисодиёти эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтаётган даврда солиққа тортиш тартиб-қоидалари ҳам барқарор иқтисодий тараққиёт суръатларига муносиб равишда такомиллашиб бормоқда. Солиқ муносабатларидаги кенг қамровли ислоҳот ўзгаришлари ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда жорий этилаётган имтиёзлар ҳамда солиқ қонунчилигидаги меъёрий ҳужжатлар — ҳаммаси солиққа тортишда адолат тамойилининг устуворлигини таъминлаётир. Пировардида солиқ ва божхона тизимларининг фаолияти даврнинг иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларига мос, изчил мукаммаллашиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, бугун солиққа оид иқтисодий атамалар ва адабиётларда қўлланилаётган сўз бирикмаларининг тафсилотларини кенгроқ ёритиш, солиққа тортиш концепциясига тегишли ғоялар моҳиятини очиб бериш эҳтиёжи ҳам туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва божхона органлари академиясининг «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор **Тозабек Тошмуродов**нинг **«Солиқлар»** номли **(Тошкент, «Меҳнат», 2003 йил)** изоҳли луғати айни шу мақсадларга хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳақидаги билимларга бўлган талабларини қондириш мақсадида тайёрланган мазкур луғатда солиқ турлари, солиққа тортиш услублари, солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари ва солиқ муносабатларига оид тартиб-қоидалар кенг ифода этилган.

Шунингдек, китобда илк бора жаҳон миқёсида тан олинган иқтисодчиларнинг солиқ ва бож тўловларига оид назариялари, фикрлари ҳамда математик моделларни солиқ соҳасида қўллаш услублари ҳақида маълумотлар берилган.

Луғатдан божхона ва солиқ органлари ходимлари, солиқ инспекторлари, солиқ тўловчилар, божхона мутахассислари, малака ошириш курслари тингловчилари, бакалавриат ва магистратурада ўқиётган талабалар фойдаланиши мумкин.

Замон АЛИ

● ОЧИҚ ГАПЛАР

Бефарқлик оқибати

ёки Китоб туман халқ таълими мактабларига тегишли 222 тонна кўмир қандай талон-торож қилингани ҳақида

Ўтган қиш қаттиқ келди. Чиллада бошланган уюм-уюм қор чамаси бир ой ерни музлатиб турди. Қишлоқдамас, шаҳарда ҳам уйлар исимади, ҳисоб. Негаки, кун совуқ, у ўтинни ямламай ютаверди, қани шу билан уйлар исиса денг. Совуқ эса очофат эди, у ўтинга тўйдим демади.

Ўтин, ёқилғи муаммоси одамларга ҳар қачонгидан билинди. Ўтин, кўмирнинг нархи ошди. Кимлардир одамлар бошига тушган бу ташвишдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилди.

Китоб туман халқ таълими бўлими мудирининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Суюн Имомов ана шундайлардан бири бўлди. У ишонч қоғозлари орқали вилоят ёқилғи таъминот базасидан 1382 тонна кўмир олган ва унинг 222 тоннасини олиб қолиб, қолганини мактабларга тарқатган. 222 тонна кўмирни у нима қилди, деб сўрашингиз мумкин. Шундай қиш-қиронли кунларда кўмир кўчада қолармиди?!

Туман прокуратураси ходимлари аниқлашича, 1,5 миллион сўмга тенг бу бойлик талон-торож қилинган. Натижада, тумандаги юзлаб ўқувчилар аёзли қиш кунларида совуқ дарсхоналарда дийдираб ўтиришган. Болалар, қўйингки ўз болалари ҳақига хиёнат қилганини ким деб аташ керак?

Албатта, мулоҳаза қилиб кўрсак, айбнинг ҳаммасини С.Имомовга тўнкаш инсофдан эмас. Туман халқ таълими мудири, ўринбосарлари ва тегишли бошқа масъул шахслар бу талон-торожликдан бехабармиди? С.Имомовга яратилган бундай эмин-эркин шароит ҳарқалай ниманинг оқибати эканлигини англаш учун у қадар тийран ақл керак бўлмас. Ва бу ишдан фақат угина манфаатдор бўлган, десак ҳам адолатсизлик бўлар...

Очиғини айтганда, баъзи ҳолларда мактаб таъмири ёки янги мактаб қурилиши билан бир қаторда мактаб директори ёки халқ таълими мудирининг уйи ҳам таъмирланиб, меҳмонхоналари пол-шифтли бўлиб қолиши сир эмас. Мактабга тўкилган кўмирдан 400-500 килограмми негадир мактаб директорининг уйига бориб қолишини ҳам кўпчилик билади. Хуллас, талон-торожлик озми-кўпми бошқа мактабларда ҳам, боғчаларда ҳам бор.

Баъзилар бунга турли сабабларни важ қилиб кўрсатишади, маош кам дейди, бошқаси ундай дейди, бошқаси бундай. Бизнинг назаримизда, болалар ҳақига қилинган хиёнат ҳеч қандай сабаб ёки важ билан оқланмаслиги керак.

Юқорида айтилган ҳолат бўйича айбдорлар қонуний жазосини олиши аниқ. Лекин кишини бошқа нарса ўйлантиради: **БЕФАРҚЛИГИМИЗ**.

То прокуратура текшириб аниқламагунича, бирорта мактаб директори ёки ўқитувчи синфхоналар совуқ, болалар қийналаяпти, деб қайғурмаган, ҳеч кимга мурожаат этмаган. Ана шу бировнинг «мушугига пишт демаслик» одати кўплаб ножўя хатти-ҳаракатларга йўл очиб бераяпти, десак хато бўлмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин: ҳар бир инсон ҳар битта ножўя ҳаракатга қарши ўзи бош кўтармаса, жамиятни ҳар хил иллатлардан фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кучи билан тозалаш қийин. Муаммолардан кўз юмаверсак, уни ўзимиз эмас, ўзгалар тўғрилаб бериши керак, деган боқиманда кайфият билан яшайверсак, иллатлар ишимизга тўсиқ бўлиб ётаверади. Ҳар бир одамнинг ўзи курашчан, ноҳақликка муросасиз бўлиши керак. Фуқаролик, ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг кучли томони ҳам шунда — **фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигида.**

Ҳусейн СОБИРОВ,
Китоб туман прокурори

Алпомишлар юртида дунё алплари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўйингоҳ сухандони мусобақада кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бронза медали совриндори, 2001 йилда ўтказилган Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир финалчиси бразилиялик Карлос Эдуардо Хонорато ҳам иштирок этаётганлигини эълон қилганида стадионда гулдурос қарсаклар янгради.

— Ўзбекистонга илк маротаба 1999 йилда келган эдим, — дейди Карлос Хонорато. — Шундан буён кураш баҳонасида бу серқуёш ўлкага яна бир неча бор келишга мушарраф бўлдим. Кураш туфайли юртингиздан кўплаб мухлисларимни топдим. Ўзим илгари дзюдо билан шуғулланганлигим боис, ер юзининг жуда кўплаб давлатларида бўлганман. Аммо ҳеч қаерда ўзбеклардек самимий, дилкаш ва меҳмондўст халқни учратмаганман. Бразилияда стадионлар фақатгина футбол учрашувларида мухлислар билан шундай тўлиб-тошади. Сизларда курашнинг бу қадар эъзозланишини кўриб, мен ҳам бу спорт турини, унинг ашаддий ишқибозлари бўлган ўзбек халқини бразилияликлардек севиб қолдим. Яқинда курашнинг Осиё ўйинлари дастуридан жой олганлигини эшитиб суюндим. Курашнинг яқин йилларда олимпия ўйинлари дастуридан жой олишига ишонаман. Шу боис, ўзбек курашини Бразилияда ҳам оммалаштириш учун астойдил бел боғладим. Термизга эса фақат ўз мухлисларимни хурсанд қилиш, ва албатта, Ўзбекистон Президенти совринини қўлга киритиш учун келганман.

Турнирнинг дастлабки кунида тўрт вазн (66, 81, 90, 100 кг.) тоифасида баҳслар ўтказилди. Беллашувларни 66 кг. вазн тоифасидаги полвонлар бошлаб беришди. Гиламга биринчи бўлиб кураш бўйича Осиё чемпиони термизлик Тўрабой Ўтаев ҳамда жаҳон чемпионати бронза медали совриндори, Европа чемпиони туркиялик Бектош Демирэллар таклиф қилинди. Шиддатли ва муросасиз кечган беллашувда турк полвони соф ғалабага эришди ва кейинги босқичга чиқди. Тажриба борасида анчагина устунлик қилган Бектош Демирэл иккинчи босқичда ҳам яна бир вакилимиз Акром Абдулаҳатовни мағлуб этди. Баҳслар ана шундай қизиқарли ва кутилмаган натижалар билан бошланди.

Бугун эса қолган вазн (60, 73 кг. ва мутлақ) тоифалари бўйича беллашувлар ўтказилади ва ғолиблар аниқланади.

Кураш — ҳалолликни ёқтиради. Демак, ким кучли, чаққон ва зўр бўлса, ғалаба шунга насиб қилади.

Эркин ХОЛБОБО,
Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 328
12370 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.25
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бола соғлиғи — она бойлиғи

«Боланинг бармоғи оғриса, Онанинг юраги ачийди», деган мақол ҳам бор. Дарҳақиқат, боланинг сал тоби қочса ҳам, биринчи галда онанинг юраги ачийди, куюнади, ҳаловати йўқолади, ташвиши ортади. Боланинг саломатлигига доимо синчковлик билан эътибор бериш, унинг соғлиғи тўғрисида касал бўлгач эмас, соғлом юрган пайтидаёқ ўйлаш ва қайғуриш зарурлигини тавсия этганда шу мақолларни қўллайдилар.

Болани пуллик ҳам қилма, пулсиз ҳам қўйма

Маъноси: «Ҳар иккала ҳолда ҳам бузилиб кетиши мумкин. Шунинг учун унга ҳожати учун зарур бўлган миқдордагина пул бер», демоқчи. Вар.: «Болани бозор томоққа ўргатма».

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Чинобод номли 27-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Мусаматов Абдусалом Асомович номига берилган №441446 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ЎЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ» ОАЖнинг

2003 йил 20 март куни бўлиб ўтган 2002 йил якунлари тўғрисидаги акциядорларнинг умумий мажлисида қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ бошқарувининг 2002 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи қониқарли деб топилсин.
2. «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ низомига киритилган ўзгаришлар тасдиқлансин.
3. «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ Кузатув Кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат қуйидаги Бошқарув тизимида ишламайдиган янги номзодлар таркиби тасдиқлансин:
— Абдуллаев Х.А.
— Байзаков Ш.Б.
— Убайдуллаев Х.Н.
— Иванкова З.Н.
— Қўчқоралиев А.К.
— Ҳусаинов А.Ю.
— Жамалов А.Э.
4. 2002 йил бухгалтерия ҳисоботи тасдиқлансин.
5. 2002 йил Аудитор текшируви ҳисоботи тасдиқлансин.
6. ОАЖ Тафтиш комиссиясининг 2002 йил учун ҳисоботи тасдиқлансин.
7. «Konsauditekspert» аудиторлик фирмаси «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖнинг аудитори этиб тасдиқлансин.
8. Дивиденд массаси 482258-70 сўм деб белгилансин ва 100 фоиз акциядорларга берилсин. Тўлаш муддати эса 2003 йилнинг май ойигача деб белгилансин.
9. ОАЖ бошқаруви раислигига О.И.Исоқулов номзоди 1 йил муддатга тасдиқлансин.

«ЎЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Чилонзор буюм бозори» ОАЖнинг

2003 йил 28 март куни бўлиб ўтган 2002 йил якунлари тўғрисидаги акциядорларнинг умумий мажлисида қуйидаги қарор қабул қилинди:

1. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган Аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.

3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси текшируви ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якунларига кўра олинган 210927532 сўм соф фойда жамиятнинг заҳира фондини шакллантиришга йўналтирилсин.

6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш ваколатини, даромадларини ошириш, харажатларини камайтириш ва соф фойда миқдорини 21009,0 минг сўмдан ошириб белгилаш шарти билан Кузатув Кенгашига берилсин.

7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «GARANT-AUDIT» аудиторлик фирмаси тасдиқлансин.

8. Жамият Кузатув Кенгашининг 2002 йил фаолияти қониқарли деб қабул қилинсин.

8.1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоси А.Муҳамедов Кузатув Кенгаши аъзолигидан чиқарилсин.

8.2. «Ўзуйжойжамғармабанк» Меҳнат бўлими бошқарувчиси муовини Умаров Тоҳир Содиқович жамият Кузатув Кенгаши аъзоси этиб сайлансин.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси раиси вазифасида ишлаган Ф. Далимов ўз аризасига кўра ва комиссия аъзоси Р. Гаипов вафот этганлиги сабабли Тафтиш комиссияси аъзолигидан чиқарилсин.

9.1. Тафтиш комиссияси аъзолигига Чилонзор туман ҳокимлиги молия бўлими бошлиғи муовини Йўлдошев Шавкат, Чилонзор туман ҳокимлиги савдо департаментининг мутахассиси Бинали Элдор сайлансин.

10. Жамият бошқаруви раиси Мирзаев Комил Тоирович билан тузилган меҳнат шартномаси бир йил муддатга узайтирилсин.

11. Жамиятнинг 2003 йилги иш режаси (бизнес план) тасдиқлансин.

12. Жамият низомига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқлансин.

13. Жамият бошқаруви раиси К.Т. Мирзаев зиммасига мазкур қарорлар ижросини ўз вақтида бажариш вазифаси юклатилсин.

«ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, партия фаоли **Абдували АБДУРАҲИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 115-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан бирортасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур
20
41
87
7
5
58
81
29
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами
10048477.2

2 Тур
19
74
16
77
14
83
23
27
24
66
76
37
67
49
12
21
79
47
26
30
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
50024315.3

3 Тур
10
70
59
65
61
60
32
62
55
50
72
4
90
Сони: 2
Сумма: 2500000
Чипталар рақами
10011532.1
90028949.1

4 Тур
3
85
69
45
36
2
88
71
39
18
8
25
75
15
86
56
57
53
51
22
17
73
Сони: 2
Сумма: 2500000
Чипталар рақами
30027431.2
70014564.2

5 Тур
6
Сони: 1
Мусика маркази
Чипта рақами
40034698.2

6 Тур
46
Сони: 4
Телевизор
Чипталар рақами
20007685.1
30017937.1
50023650.3
50037843.3

7 Тур
1
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
50016974.1
60023552.1
90006428.3

8 Тур
33
Сони: 3
Сумма: 3000

9 Тур
31
Сони: 5
Сумма: 2000

10 Тур
42
Сони: 7
Сумма: 1500

11 Тур
54
Сони: 4
Сумма: 1200

12 Тур
44
Сони: 8
Сумма: 1000

13 Тур
28
Сони: 5
Сумма: 900

14 Тур
40
Сони: 14
Сумма: 800

15 Тур
43
Сони: 11
Сумма: 700

16 Тур
48
Сони: 21
Сумма: 600

17 Тур
52
Сони: 29
Сумма: 500

18 Тур
80
Сони: 74
Сумма: 400

19 Тур
84
Сони: 82
Сумма: 300

20 Тур
64
Сони: 154
Сумма: 200

21 Тур
68
Сони: 222
Сумма: 200

22 Тур
11
Сони: 328
Сумма: 200

23 Тур
9
Сони: 450
Сумма: 200

24 Тур
13
Сони: 658
Сумма: 200

25 Тур
34
Сони: 1322
Сумма: 200

Қўшимча тур
Сони: 42
Сумма: 600

Халтадан чиқмаган шарлар: 35, 38, 63, 78, 82, 89

«Лаҳзали Яхши Ният» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами: (халтада қолган) 35, 38, 63, 78, 82, 89

Тўғри келганлар сони	Ютуқ сони	Сумма	Чипта рақами
4	1	1500000	60029324.2
3	20	1000	
2	721	300	
1	7840	100	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 1 майдаги 116- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти «Лаура» ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлжал: «Украина» дўкони. (3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.